

ХАБАРЛАР

АҚШда ҳалокатли ЙТҲдан сўнг ўзбек трак ҳайдовчиси қўлга олинди

дақиқа аввал



Беҳзод Асраров

АҚШнинг Оҳайо штатида 42 ёшли Ўзбекистон фуқароси Беҳзод Асраров ҳалокатли йўл-транспорт ҳодисасидан сўнг қўлга олинди. Ҳодиса оқибатида 21 ёшли талаба ҳалок бўлган.

Америка ОАВ маълумотига кўра, 5 июль куни Асраров юк машинасини бошқариб кетаётган вақтда **Honda** энгил автомобили билан тўқнашган. Автомобилни Массачусетс университети жамоаси дарвозабони Тобиас Форсайт бошқарган. У воқеа жойида вафот этган.

Асраровга далилларни сохталаштириш айби қўйилган. ОАВ хабарларига кўра, у ҳодисадан кейин видеорегистраторни ечиб, чўнтагига яширган. Шунингдек, у

инглиз тилини билмагани учун шифокорлар ва полиция ходимлари билан **Google Translate** орқали мулоқот қилган.

Асраров АҚШга **Diversity Visa** дастури орқали келган. У тижорат транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи **CDL** ҳайдовчилик гувоҳномасини Оҳайо штатида олган. Полиция мазкур лицензия қандай олингани ва барча талабларга риоя этилган-этилмаганини текширмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон фуқароси Мэдисон округи минтақавий қамоқхонасида сақланмоқда.